*Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir*
*Высшее благо медицины — здоровье*

# O'ZBEKISTONDA SOG`LIQNI SAQLASH
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2006 йил 18-24 июль № 29 (493) Сешанба кунлари чиқади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимизнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонлари ва улар гувоҳномаларининг бланкалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 19 июнь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли Фармонига 1-илова*

## «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги Низом

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа шахслар тақдирланадилар.

2. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли Фармонига 2-илова*

## Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони ТАВСИФИ



«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олд томонида Мустақиллик ва эзгулик монументи (Мустақиллик ва Бахтиёр она ёдгорликлари) тасвирланган. Монумент ортида Мустақиллик майдонидаги Арканинг бир қисми ўрин олган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида Арканинг бир қисми билан монумент орасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг юбилей санасини англатувчи «15 YIL» деган ёзув бор.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмининг марказида «2006» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқдир.

Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

Эсдалик нишони ҳалқачалар ва илгакча ёрдамида устки қисмига эни 20 миллиметрли самовий-зангори рангдаги ипак лента ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади.

*«Ҳамшира —2006»*

## ЮКСАК ДОВОН ОЛДИДАН

***Яқинда Жиззах вилоятида «Ҳамшира – 2006» кўрик-танловининг вилоят босқичи Ю. Ражабий номидаги драма театрида ўтказилди. Мазкур танловда туман, шаҳар ва вилоят тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамда танловнинг илк босқичида ғолибликни қўлга киритган ҳамширалар ўзаро беллашдилар.***

Ниҳоят, ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари ҳаққоний баҳоланиб, ғолиблар аниқланди. Ушбу кўрик-танловда 3-ўрин Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Жиззах вилояти филиали ҳамшираси Дилдора Пайзиевага насиб этди. 2-ўринга Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилояти филиалининг неврология бўлими ҳамшираси Азиза Миллабоева сазовор бўлган бўлса, 1-ўрин, яъни танловнинг мутлоқ ғолиби Пахтакор туман марказий шифохонаси туғруқхона бўлими дояси Лобар Яллабоева деб топилди ва республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

* * *

Шунингдек, мазкур вилоятда кичик тиббий ходимлар ўртасида ҳам «Меҳрибон санитарка» кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу беллашувда 3-ўринга Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилояти филиали кичик тиббий ходими Гулнора Исаева муяссар бўлди. 2-ўрин Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Жиззах вилояти филиали кичик тиббий ходими Зарифа Самандаровага ва 1-ўрин Жиззах шаҳар марказий шифохонаси табобатхона кичик тиббий ходими Замира Ҳамрақуловаларга насиб этди.

Тадбир сўнггида барча иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Н. ОДИЛОВА,**
**Жиззах вилояти.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73

# ВНЕДРЕНИЕ ФОРМУЛЯРНОЙ СИСТЕМЫ В СТРУКТУРУ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

(Продолжение. Начало в №№ 27, 28).

| | | |
|---|---|---|
| | | сусп 0,5% глаз 5мл,10мл во фл,мазь 0,5%-10 г |
| 97 | Дексаметазон | амп 4мг/1мл,таб. 0,5мг,капли гл и уш 0,1% 5мл |
| | | сусп глаз 0,1%-10мл во фл |
| | ВИТАМИНЫ И РОДСТВЕННЫЕ ПРЕПАРАТЫ | |
| | *Витамины* | |
| 98 | Ретинол | капс 3300 МЕ,5000 МЕ,33000 МЕ,100000 МЕ - |
| 99 | Рибофлавин | таб. 0,002г, 0,01г,амп 1% по 1 мл |
| 100 | Пиридоксин | таб. 0.002г, 0,01г,таб. 50мг,амп 1%,5% по 1 мл |
| 101 | Цианокобаламин | амп. 100 мкг/мл,200мкг/мл,500мкг/мл |
| 103 | Тиамин бромид | амп 2.5%,5.0% по 1мл |
| 104 | Фолиевая кислота | таб. 0.001г,0.005г,таб. 0,4мг |
| 105 | Аскорбиновая кислота | амп. 5%,10% по 1мл,таб. 100мг,250мг,500мг,1000мг |
| | | драже 500мг,гранулы 2,5г,пор (субст) |
| 106 | Никотиновая кислота | таб. 500мг,пор. (субст),амп 1% по 1 мл |
| 107 | Токоферол | р-р масл 10%,50% в капс.0,2г, капс 100мг,200мг,400мг |
| | | фл. 30% 20мл,пастилки 100мг |
| 108 | Эргокальциферол | драже 500 МЕ,масляный р-р 0,0625% и 0,125% |
| | | спиртовый р-р 0,5% 5мл фл. |
| | ФЕРМЕНТЫ И АНТИФЕРМЕНТНЫЕ СРЕДСТВА | |
| 109 | Панкреатин | таб. 0.25г 3500 ЕД, 10000ЕД,капс.10000ед 150мг |
| | | капс.25000ед 150мг |
| | *Препараты для парентерального питания, аминокислоты* | |
| 110 | Растворы аминокислот | р-р д/инф. 250мл,500мл во фл |
| 111 | Декстроза | амп. 40% по 5мл,10мл,20мл,таб. 100мг,500мг,пор. (субст), |
| | | р-р д/инф 5% по 200мл,250мл,400мл,500мл во фл |
| | | р-р д/инф 10% по 200мл,250мл,400мл,500мл во фл |
| 112 | Альбумин человеческий | р-р д/ инф.10% - 50мл,100мл во фл |
| | ПЛАЗМОЗАМЕНИТЕЛИ И СОЛЕВЫЕ РАСТВОРЫ; РАСТВОРИТЕЛИ | |
| 113 | Декстран 70, 40 | р-р д/инф. 6% . по 200мл,400мл во фл |
| 114 | Натрия соли | пор. (субст),таб.0,5, амп 0,9% по 5мл,10мл |
| | | р-р д/инф. 0,9% 250мл,400мл,500мл во фл |
| 115 | Дисоль | р-р д/инф.200мл,400мл во фл |
| 116 | Трисоль | р-р д/инф.200мл,400мл во фл |
| 117 | Ацесоль | р-р д/инф.200мл,400мл во фл |
| 118 | Вода для инъекций | амп. по 5мл,10мл |
| | ПРЕПАРАТЫ ДЛЯ КОРРЕКЦИИ КИСЛОТНО-ОСНОВНОГО СОСТОЯНИЯ И ИОННОГО РАВНОВЕСИЯ | |
| 119 | Калия соли | амп. 4% по 10мл,7,5% по 20мл, р-р инф4% во фл. |
| | | драже,таб. 0,5г, 0,1г, пор. (субст) |
| 120 | Кальция соли | пор.таб. 0,5г, 0,1г, капс 15 мг,амп. 10% по 5мл,10мл |
| 121 | Магния соли | амп. 25% по 5мл, 10мл, 20мл,пор. 25г,пор. (субст) |
| | СРЕДСТВА, ПРИМЕНЯЕМЫЕ ПРИ ОТРАВЛЕНИЯХ И ИНТОКСИКАЦИЯХ | |
| 122 | Унитиол | амп. 5% по 5мл |
| | СРЕДСТВА ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКИ ИНФЕКЦИОННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ | |
| | *Антибиотики* | |
| 123 | Бензатинбензилленицилл | пор. д/ин. 600000 ЕД,1500000 ЕД,2400000 ЕД во фл |
| 124 | Ампициллин | пор. д/ин. 0,25г, 0,5г, 1,0г во фл,таб. 250мг,500мг |
| 125 | Амоксициллин | капс. 250мг,500мг,таб. 500мг,пор. д/ин. 0,5г, 1,0г во фл |
| | | сироп 125/5мл по 100мл,сусп.во фл 250мг/5мл по 60мл |
| 126 | Амоксициллин + кк | пор д/ин по 0,6г, 1,2г во фл,форте сусп по 100мл |
| | | сусп 156мг/5мл по 100мл во фл для приема внутрь |
| | | таб. 375мг, 625мг |
| 127 | Цефазолин | пор. д/ин. 0,5г, 1,0г во фл |
| 128 | Цефотаксим | пор. д/ин. 0,5г, 1,0г во фл |
| 129 | Цефоперазон | пор. д/ин. 0,5г, 1,0г, 2,0г во фл |
| 130 | Цефтриаксон | пор. д/ин. 0,5г, 1,0г во фл |
| 131 | Цефтазидим | пор д/ин 0,5г, 1,0г во фл |
| 132 | Гентамицина сульфат | амп. 40 мг,80 мг по 2 мл,мазь 0,1%,гл. капли 0,3 % |
| | | пор д/приг ин 0,08г |
| 133 | Тетрациклин | таб 100мг,200мг,250мг,капсулы 100мг,50мг,мазь 3% |
| | | мазь глазная 1% |
| 134 | Доксициклин | капс.100мг,р-р, таб.100мг, 200 мг,фл.100 мг 5 мл |
| | | сироп10 мг/ мл 60мл для приема внутрь |
| 135 | Эритромицин | таб. 100мг,250мг,500мг,мазь 10000 ЕД/1г,сироп |
| | | сусп.125мг/5мл,250мг/5мл,400мг/5мл для пр/внутрь |
| | | пор д/приг сусп во фл125мг/5мл,200мг/ 5мл |
| | | пор д/ин во фл 0,1г |
| 136 | Азитромицин | таб. 250мг,500мг,сусп. 125мг/5мл, 250мг/5мл |
| 137 | Линкомицин | мазь 2%, капс. 0,25г, амп. 30%, по 2мл |
| 138 | Хлорамфеникол | порошок (субст),таб. 0,25г, 0,5г,капс. 250мг,мазь,свечи |
| | | Линимент 5%,10%,пор. д/ин 1г, 0,5г во фл |
| | | гл кап 0,25% во фл по 5, 25 мл |
| | АНТИБАКТЕРИАЛЬНЫЕ СИНТЕТИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА | |
| | *Сульфаниламидные препараты* | |
| 139 | Ко-тримоксазол | сусп.240мг/5мл по 100мл,таб.120мг,480мг,таб.Форте 960мг |
| | | амп.480мг-5мл |
| 140 | Сульфацил – натрий | пор.,гл.капли 20%по 1,5мл,10мл,30% по 1,5мл,30% по 5мл |
| | | пор. (субст) |
| | *Фторохинолоны* | |
| 141 | Пефлоксацин | таб. 400мг,амп. 5мл (400мг) |
| 142 | Ципрофлоксацин | таб. 250мг,500мг,гл. капли фл 0,3% по 5мл |
| | | р-р д/ин 200 мг/100мл во фл,амп. 100мг/10мл |
| | ПРОТИВОПАРАЗИТАРНЫЕ И ПРОТИВОПРОТОЗОЙНЫЕ СРЕДСТВА | |
| | *Противопротозойные средства* | |
| 143 | Метронидазол | таб. 200мг,400мг,500мг,фл д/инф 500мг/100мл,сусп. |
| | | 500 мл,20мл,свечи ваг 500мг,гель 1% |
| | АНТИСЕПТИЧЕСКИЕ И ДЕЗИНФИЦИРУЮЩИЕ СРЕДСТВА | |
| 144 | Йод | пор. р-р. 5% 10мл |
| 145 | Малахитовый зелёный | порошок, р-р 1%, 20мл |
| 146 | Пергидроль | р-р 33-37% |
| 147 | Хлорамин Б | пор. |
| 148 | Раствор аммиака 25 % | |
| 149 | Кальция гипохлорид | порошок 100г |
| 150 | Хлорная известь | порошок 100г |
| 151 | Спирт этиловый | 96,60% |
| 152 | Кислород | баллон |
| 153 | Формалин | кг |
| | *Противопедикулезные средства* | |
| 154 | Перметрин | р-р 0,4% 60мл, 80мл во фл,мазь4% 45г,крем 40г |
| | ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА | |
| 153 | Барий сульфат | пор 100 г |

"УТВЕРЖДАЮ "
Председатель ПДК МЗРУз
Первый заместитель министра
А.М.Хаджибаев

### СТАНДАРТИЗИРОВАННЫЙ ФОРМУЛЯР (СПИСОК ОСНОВНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ) ДЛЯ ОБЛАСТНЫХ ОНКОЛОГИЧЕСКИХ ДИСПАНСЕРОВ

| | ЛЕКАРСТВЕННЫЕ СРЕДСТВА, ДЕЙСТВУЮЩИЕ ПРЕИМУЩЕСТВЕННО НА ЦЕНТРАЛЬНУЮ НЕРВНУЮ СИСТЕМУ | |
|---|---|---|
| | 1 | 2 |
| № | Международное название | Лекарственная форма |
| | *Средства для ингаляционного наркоза* | |
| 1 | Азота закись медицинская | газ в мет. стальных баллонах 10л |
| | *Средства для неингаляционного наркоза* | |
| 2 | Натрия оксибутират | амп 20%. 10мл |
| 4 | Тиопентал натрий | лиоф.пор. д/ин. 0.5г, 1,0г во фл |
| 3 | Кетамина гидрохлорид | амп.50мг/мл 2мл, 10мл 5% 2мл |
| | | р-р д/ин .50мг-10мл 500мг/10мл во фл |
| 4 | Пропофол | р-р д/ин 1 % 20мл, 50мл во фл |
| | | эмул. 10мг/мл в амп. 20мл, 50мл, 20мг/мл, 10мл в амп и 50мл во фл |
| | *Снотворные средства* | |
| 5 | Мидазолам | таб. 7,5мг, 15мг, |
| | | амп.15мг;5мг |
| | *Противосудорожные средства* | |
| 6 | Фенобарбитал | таб. 0.005г, 0,05г, 0,1г |
| 7 | Карбамазепин | таб. 100мг, 200мг,400мг |
| 8 | Клоназепам | таб. 0.5мг, 2мг, капли 2,5мг/мл |
| | ПСИХОТРОПНЫЕ ЛЕКАРСТВЕННЫЕ СРЕДСТВА | |
| | *Нейролептические средства* | |
| 9 | Галоперидол | таб. 0.25мг,1,5мг, 5мг |
| | | амп. 5мг/мл, 1мл, 50мг/мл 1мл, 0,5% 1мл |
| 10 | Дроперидол | амп 0,25% 2 мл, фл 0,25% по 5,10мл |
| 11 | Хлорпромазин | амп. 2.5% р-р в 1мл, 2мл |
| | | драже 0.025г, 0,05г, 0,1г |
| | *Транквилизаторы* | |
| 12 | Диазепам | таб.2мг,5мг,10мг |
| | | амп. 0,5% по 2мл |
| | | драже 2мг, 5мг |
| | *Антидепрессанты* | |
| 13 | Амитриптилин | драже 10мг, 25мг |
| | | таб. 10мг 25мг, 50мг |
| | | амп. 20мг/2мл - 2мл, 1% по 2мг |
| | *Ноотропы* | |
| 14 | Пирацетам | амп 20% 5 мл., 1г/ 5мл,3г/15 |
| | | таб. 200мг, 400мг, 800мг, 1200мг |
| 15 | Церебролизин | амп. 1 мл, 5мл, 10мл |
| | *Психостимуляторы и аналептики* | |
| 16 | Никетамид | амп. 25% по 2мл |
| | | 25% фл 20мл капли для приема внутрь |
| | *Наркотические анальгетики* | |
| 17 | Морфин | амп. 1% по 1мл, 5мг/мл по 2мл |
| | | таб. 10мг, 30мг, 60мг, |
| 18 | Домопон | амп 1% по 1мл, 2%по 1мл |
| 19 | Тримеперидин | амп. 1% по 1мл, 5мг/мл по 2мл , 2% по2мл |
| 20 | Фентанил | амп. 0,005% по 2мл |
| 21 | Бупренорфин | таб. 0.4мг; 0.2мг |
| | | амп. 0.03% по 1мл |
| | *Ненаркотические анальгетики* | |
| 22 | Трамадол | амп 0.5г/2мл по 2мл, 0,1г/ 2мл по 2мл |
| | | капс 50мг, таб 50мг, 100мг |
| | | свечи 100мг |
| 23 | Метамизол натрий | таб. 500мг |
| | | амп. 25% 2мл,50% по 2мл |
| | | пор. (субст) |
| 24 | Парацетамол | таб. 200мг, 375мг, 500мг |
| | | сусп.125мг/5мл 100мл во фл.для приема внутрь |
| | | сироп 2.4% 100мл |
| | | суппоз 100мг, 125мг, 250мг .для приема внутрь |
| | | пор. 5г в пак |
| | | Свечи 150мг |
| | | пор. (субст) |
| | *Нестероидные противовоспалительные средства (НПВС)* | |
| 25 | Ацетилсалициловая | таб. 50мг, 75мг, 100мг, 150мг, 250мг,400мг, 500мг |
| | кислота | пор. |
| 26 | Нимесулид | таб.100мг |
| | | гель 1% в тубах 20г, 30г |
| | | гранулы для приг. сусп. 2г |
| 27 | Диклофенак | таб. 25мг , 50мг таб ретард 100мг капс ретард100мг |
| | | гель 1% |
| | | амп. 75мг/3мл |
| | | суппоз. 50мг,100мг |
| | | глазные капли 0.1% 5мл |
| 28 | Кетопрофен | амп 100 мг/2мл |
| | | капс 50мг |
| | | форте таб. 100мг, ретард таб 150мг |
| | | крем 5% тюб 30г |
| | | супп. 100 мг; |
| 29 | Ибупрофен | таб. 200мг, 400мг, 600мг,капс 200мг |
| | | сироп 100мг, 100-200мл |
| | | крем 30,50г |
| | ЛЕКАРСТВЕННЫЕ СРЕДСТВА, ДЕЙСТВУЮЩИЕ ПРЕИМУЩЕСТВЕННО НА ПЕРИФЕРИЧЕСКИЕ НЕЙРОМЕДИАТОРНЫЕ ПРОЦЕССЫ | |
| | *Холиномиметические и антихолинэстеразные средства* | |
| 30 | Неостигмин | амп. 0.05% по 1мл |
| | | таб. 0,015г |

(Продолжение на 7-й стр.)

# Лойиҳа ижроси амалда: ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

2006 й
№ 3

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

ADB
Осиё тараққиёт банки

gain
Global Alliance for Improved Nutrition
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

## «Саломатлик — 2»
## «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари





**«Health — 2»**
**«Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects**

**Проекты «Здоровье — 2»**
**«Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»**

***Бундан бир неча йиллар аввал Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Саломатлик-1» лойиҳаси билан ҳамкорликда фаолият бошлаган эди. Вақт ўтиши билан ушбу лойиҳа тажриба сифатида олинган Фарғона, Навоий, Сирдарё вилоятларида ўзининг ижобий натижаларини берди. Ана шундай амалий ишларни янада кенг татбиқ этиш мақсадида 2005 йилдан бошлаб, «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш», «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари ҳамкорлигида республикамизнинг қолган вилоятларида ҳам жорий этила бошлади. Айни кунларда лойиҳада кўзда тутилган мақсадли режалар сари барча вилоятларнинг тиббиёт муассасаларида ишлар тезкорлик билан давом этмоқда. Албатта, бу фаолиятда қилиниши керак бўлган ишларни ўзига хос тарзда, яъни босқичма-босқич олиб боришга тўғри келади.***

***Мана биз Тошкент вилояти, Бухоро вилояти ва Жиззах вилоятларининг қишлоқ врачлик пунктлари, туғруқ мажмуалари ва қон қуйиш станцияларида бўлиб қайтганимизда лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишларга замин яратилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Минг афсуски, ижобий натижалар қаторида муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ҳам кўзга яққол ташланади...***

***Яқинда биз «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида жойларда олиб борилаётган фаолиятлар билан танишиш мақсадида Жиззах вилоятида сафарда бўлдик.***



Жиззах вилояти, Пахтакор туманидаги Акмал Икромов номли қишлоқ врачлик пунктининг ташқи кўриниши.

# ИШИМИЗ ВАҚТ ВА ҲАРАКАТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ



**Мамлакат МЎМИНОВА, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Акмал Икромов номли туман қишлоқ врачлик пункти мудираси.**

— Тиббиёт ўзининг ўта мураккаблиги ва тезкорлиги билан кундалик ҳаётимиз ҳамда фаолиятимизда сезиларли даражада ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бунинг туб замирида жамият тараққиётининг асоси бўлган инсонлар соғлиги ётади. Демак, тиббиёт асосан инсонлар саломатлигига хизмат қилар экан, унинг учун аксарият масъулият кўпроқ кадрлар масаласига келиб тақалади. Шундай экан, кейинги пайтларда тиббиётдаги туб ўзгаришлар ҳар бир мутахассис ва тарбияланаётган бўлажак тиббиёт ходимидан нафақат масъулият, балки чуқур билим ва юксак маҳоратни талаб қилаверади. Зеро, ҳукуматимизнинг республикамиз соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинига нисбатан эътибори қишлоқларда яшаётган аҳоли учун кенг қулайликлар туғдирди. Шу боис бўлса керак аҳолининг тиббиётга ва ўз соғлигига бўлган эътибори ошиб бормоқда. Мен буни 7506 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктимиз мисолида кўриб келяпман. Масканимиз 2003 йилда ўз фаолиятини бошлади. У фаолият бошламасдан олдин таъмир талаб, ҳатто ярим бино ташландиқ ҳолатда эди. Ниҳоят, қалби саховатпешаликка йўғрилган ҳомийлар, туман ҳокимлиги ва туман марказий шифохонаси раҳбариятининг ташаббуси билан қишлоқ врачлик амбулаторияси замон талаблари даражасидаги қишлоқ врачлик пунктига айлантирилди. Мана уч йилдирки, ҚВПмиз аҳоли ишончини қозониб, уларга малакали хизмат кўрсатиб келмоқда...

Муассасамизда 4 нафар умумий амалиёт шифокори, 12 нафар ҳамшира меҳнат қилади. Айниқса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва эмлашда, ўз ҳудудида ичимлик суви сифатини кузатиб боришда шифокор ва ҳамшираларнинг меҳнатлари катта бўлмоқда. Бунинг исботи сифатида шуни айтмоқчиманки, уч йил мобайнида юқумли касалликлар, оналар ва болалар ўлими кузатилмади. Шу билан бир қаторда маҳалла, хотин-қизлар қўмитаси, мактаб ва боғчалардаги мутасадди раҳбарлар билан ҳамкорликда иш олиб борганимизнинг ўзи ҳам лойиҳа доирасида кўзланган мақсадлар амалга ошишида туртки бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Саломатлик-2» лойиҳасининг 2005 йилда вилоятимизга кириб келиши ҳам бирламчи бўғиндаги ишларнинг юксалишига янада ривож қўшди. Бундан асосий мақсад, аҳолига тиббий, сифатли хизмат кўрсатишдир. Албатта, бундай имконият эшикларини очишда ҳукуматимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳиссаси ниҳоятда катта деб биламан.

***Дарҳақиқат, Мамлакат опанинг хоналарига кириб борганимизда, у кишининг китоб жавони ҳамда иш столидан ўрин олган Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров муаллифлигидаги ва бир қанча тиббиётнинг ноёб дурдоналарига ҳамда вазирликнинг нашри бўлган газетамизнинг йиллик тахламига кўзимиз тушди. Демакки, тажрибали раҳбарнинг ҳамон изланишда ва давр билан ҳамнафас самарали меҳнат қилаётганига ишончимиз ортди. Қарангки, суҳбатимиз орасида туман марказий шифохонаси бош шифокорининг муовини Мамлакат опани давлат мукофотига сазовор бўлганлиги ва ушбу мукофот Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров томонидан тавсия этилганлигини эътироф билан тилга олди.***

***Биз муассаса фаолияти билан танишиб чиқар эканмиз, бу ердаги энг асосий камчилик телефон алоқасининг йўқлиги, шунингдек, автоуловнинг ҳам етишмаслиги бизни бироз бўлсада ранжитди...***

***Биз ҚВПдаги фаолиятларни кўздан кечирар эканмиз, биринчи навбатда у ердаги санитария ва гигиена қонун-қоидаларига бўлган эътибор, ўрнатилган қатъий тартиб, қабулхонадаги тиббий карталарнинг махсус белгилар асосида тайёр папкаларга солиб қўйилгани, тиббий хизмат кўрсатиш хоналарининг йўналишга хос тарзда жиҳозланганини ҳамда назоратда турган беморлар учун алоҳида йўқлама дафтарларининг мавжудлиги амалдаги ишлар қай йўсинда олиб борилаётганидан далолат беради.***

***Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари бўйича ташкил этилган папкаларда бевосита ислоҳот жараёнларининг амалдаги натижасини кўриб, ишлар тўғри ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик.***

***Ҳа, 35 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган камтарин инсон Мамлакат Мўминова билан муассасадаги ишлар хусусида танишиб чиқар эканмиз, аҳолига хизмат кўрсатаётган ходимлар меҳнатидан кўнглимиз шод бўлди.***



Оила ҳамширасининг ҳар бир хонадонга кириб бориши аҳолининг тиббиётга бўлган ишончини янада орттирмоқда.




# ИШИМИЗ ВАҚТ ВА ҲАРАКАТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ





**Феруза РАҲМАТОВА, муолажа ҳамшираси.**

— Аввало, яратилаётган шароит ва имкониятлар биздан ишимизга нисбатан эътиборли ишлашимизни тақозо қилмоқда. Ҳудудимизда 7000 дан ошиқ аҳоли яшаётган экан, уларнинг барчасида тиббий хизматга



эҳтиёж борлигини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Бунинг учун ҚВПнинг умумий фаолиятини оладиган бўлсак, ҳар бир ходимнинг ўзига юклатилган вазифаси мавжуд. Шифокор ва ҳамширалар айнан биргина ҚВПнинг ўзида ўтириб эмас, балки аҳоли орасида юриб, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришади. Менинг фаолиятим асосан мурожаат этиб келган беморларга муолажа ишларини ўз вақтида олиб боришдан иборатдир. Касбимнинг масъулиятли томони шундаки, олиб борилган муолажалар пайтида асептика ва антисептика қоидаларига ниҳоятда эътибор қаратишим зарур, деб биламан.

Гоҳида тасодифий ҳолатлар туфайли биринчи ёрдамга муҳтож ҳолда келадиганлар ҳам бўлиб туради. Ана шундай пайтларда шошмасдан, муолажа қилишим учун тезда тажрибам ва билимимни ишга солган ҳолда беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга шошиламан. Агар мана шу вазиятларда хатоликка йўл қўйсак, инсон ҳаёти хавф остида қолиши ёки ўлим билан тугаши ҳеч нарса эмас. Шунинг учун касбимиздаги сиру синоатларни билибгина фаолият юритсак, тиббиёт олдидаги асосий бурч ва вазифамизни сидқидилдан бажарган бўламиз.

**Зулфия АБДУАЗИЗОВА, кичик тиббий ходим.**

— Бу йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан кичик тиббий ходимлар меҳнатига ҳам катта эътибор қаратилди. Айниқса, Президентимиз томонидан давлат дастурида кўрсатилган бандда бизнинг ишимизга бўлган ғамхўрлик тўлалигича ўз аксини топган. Биз бундан ғоят хурсандмиз. Шунингдек, дастур бўйича «Меҳрибон санитарка» кўрик-танловининг ташкил этилиши ҳам меҳнатимизга бўлган ҳурмат деб биламан. Ушбу кўрик-танлов бўйича вилоятларда ўтказилаётган тадбирларни «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекиста-



на» газетасида ўқиб, ҳақиқатда ҳам касбимиз меҳнатсеварликни талаб этишига яна бир бор амин бўлдим. Яқинда ушбу кўрик-танлов вилоятимизда ҳам бўлиб ўтди.

Чунки, ҳар бир муассасада авваламбор, озодалик ва тозалик бемор кайфиятига кўтаринкилик бағишлайди. Бундан ташқари, кичик тиббиёт ходими вазифасининг оғир ва машаққатли томонлари шундаки, улар шифохоналардаги реанимация, операцион блок ҳамда туғруқ мажмуаларида ниҳоятда жонкуярлик билан ишлашади. Шундай экан, ҳар биримиз халқ саломатлиги йўлида савобли ишлар қилиш учун доим тайёр туришимиз керак. Ҳар қандай муҳтож қалбнинг кўнглига заррача бўлсада меҳримизни бера олсаккина, меҳнатимиздан қониқиш ҳосил қила олишимиз мумкин. Лекин инсоннинг соғлигини асраш кўп ҳолларда ўзига боғлиқ.

ҚВПмизда амалга оширилаётган ишларнинг халқимизга манзур бўлишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-2» лойиҳасининг ёрдами катта бўлмоқда. Бунинг учун уларга катта раҳмат.

## СЎРОВНОМА

***<u>Исми-шарифингиз:</u>***
Озода Қушвақова (56 ёш)

***<u>Тураржойингиз</u>***:
А. Икромов номли ш/х.

***<u>ҚВП номи</u>***:
А. Икромов номли қишлоқ врачлик пункти.

***<u>ҚВПдаги тиббиёт ходимлари сизга қандай ёрдам кўрсатишяпти?</u>***
Жуда яхши.

***<u>Бундан уч йил олдин тиббий хизмат қандай эди?</u>***
Орасида катта фарқ бор. Унда бундай замонавий даволаш маскани йўқ эди. Врач ва ҳамширалар уйларга кўп боришмасди. Энди эса барча қулайликлар мавжуд.

***<u>Врач билан ҳамширанинг меҳнат фаолиятидаги фарқи қандай?</u>***
Оилаларга врачлардан кўра ҳамширалар жуда кўп боришади. Соғлигимизни сўраб-суриштиришади. Керакли тавсия ва маслаҳатларини аяшмайди. Раҳмат уларга.

***<u>ҚВПга мурожаат қилганингизда тиббиёт ходимлари томонидан қандай ёрдам кўрсатилди ва уларнинг сизга муносабати:</u>***
Врач билан ҳамширалар муомаласидан жуда хурсандман. Энг яхшиси ҳеч қачон навбат кутмайман. Чунки, врач бўлмаганда ҳамшира ҳам қабул қилиб, керакли муолажа ва кўрсатмаларни беради.

***<u>ҚВПдаги тиббий асбоб-анжомлар тўғрисида нима дея оласиз?</u>***
Замонавийларидан келтирилса, яхши бўларди.

***<u>ҚВП тўғрисида фикр ва мулоҳазаларингиз?</u>***
Олдинлари бир неча километр йўл босиб, туман марказий шифохонасига борилар эди. Энди эса узоғимиз яқин бўлди.

***<u>ҚВП тўғрисидаги танқидий фикрларингиз?</u>***
Телефон алоқаси ва автоуловнинг йўқлиги нафақат аҳоли, балки тиббиёт ходимлари учун ҳам ноқулайликлар туғдирмоқда.

# МУВАФФАҚИЯТ БОР ЖОЙДА МУАММО ҲАМ БЎЛАДИ





Жиззах тумани «Хавастлик» қишлоқ врачлик пунктининг ташқи кўриниши.

**Фарҳод МАЖИДОВ, Жизззах тумани, «Хавастлик» қишлоқ врачлик пункти мудири, умумий амалиёт шифокори.**

— Ҳудудимизда 8694 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга бир нафар умумий амалиёт шифокори ва 10 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатишади. Янги қурилган ҚВПмиз 2001 йилнинг сентябрь ойидан фаолият юритиб келмоқда. Бир ишни бошлаш ва уни тўғри йўлга қўйиш анчагина қийинчиликларга олиб келди. Лекин шунга қарамасдан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман марказий шифохонаси ҳамда туман ҳокимликлари мутасадди раҳбарларининг ёрдами билан фаолиятимиз яхшиланди. Аста-секинлик билан аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишда ходимларимиз саъй-ҳаракатларини ишга солиб, тарғибот ва ташвиқот ишларини узлуксиз равишда олиб бора бошладилар. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир тиббиёт муассасасида қачонки шароит ва кадрлар етарли бўлсагина у ерда меҳнат маҳсулини кўриш мумкин. Ана шулар қатори бизнинг ҚВПда ҳам кадрлар масаласи асосий ўринда туради. Мана 5 йилдирки, мен билан ёнма-ён, халқимиз билан ҳамнафас ишлаётган 10 нафар ҳамшираларимиз меҳнатини қадрлагим келади. Уларнинг хизматлари туфайли йилдан-йилга долзарб касалликлар кўрсаткичи камайиб бормоқда. Айниқса, оила ҳамшираларининг ҳамширалик жараёни ва ёзуви асосида олиб бораётган ишлари аҳоли учун енгилликлар туғдирмоқда. Ҳар бир оила ҳамширасига меъёр даражасида аҳоли белгилаб берилган. Ҳамширалар айни кунларда оилаларда ва бир қанча муассасаларда бўлишиб, мавсумий касалликлар бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Раҳбар сифатида ҳамшира-

(Давоми 5-бетда).

# МУВАФФАҚИЯТ БОР ЖОЙДА МУАММО ҲАМ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 4-бетда).

ларимиз меҳнатига эътибор қаратаман. Лекин айрим камчиликларимиз улар фаолиятига панд бериб қўяди. Айниқса, иш фаолиятларида танометр ва фонендоскопларнинг етишмаслиги ҳамда уларнинг сифатсизлиги беморлар билан ишлаш жараёнида анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Яна камчиликлардан: телефон ва автоуловнинг йўқлиги ҳам инсоннинг ҳаёти қил устида турган бир пайтда шошилинч ёрдам кўрсатиш зарурати туғилиб қолганда, қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Минг афсуски, ана шундай шошилинч ёрдамга муҳтож бўлган беморларга етиб боргунча анча вақтни бой бериб қўйган бўламиз.

**Биз муассаса фаолияти билан танишиш давомида бевосита Фарҳод Мажидовнинг меҳнат жараёнига назар ташладик. «Саломатлик-2» лойиҳасининг 10 ойлик ўқув курсини тугатган тажрибали шифокор «Қариялар ўртасида тарқалган касалликларни скрининг қилиш ва унинг тарқалишини ўрганиш» мавзусида лойиҳа олган экан. Ушбу лойиҳа қай даражада ўз маҳсулини бераётганлигини кўздан кечирар эканмиз, умумий амалиёт шифокорининг лойиҳа устида мукаммал иш олиб бораётганлигига гувоҳ бўлдик. Ундан ташқари, лойиҳа низомида кўзланган асосий мақсад, яъни бирламчи бўғинда тиббий хизмат сифатини ошириш борасидаги қилинган ишлар ҳисоботини кузатиб, демакки, лойиҳа доирасидаги мақсадли режалар бесамар кетмаётганлигига ишончимиз ортди.**

**Шу ўринда Фарҳод Мажидов билан ҳудудда сил касаллигига чалинган беморлар, гиёҳванд ва спиртли ичимликларга ружу қўйган фуқаролар тўғрисида фикрлашганимизда:** *«Ҳозирда 4 нафар сил касаллигига учраган бемор ўз вақтида дори-дармон билан таъминланаётгани ва ДОТС дастури бўйича муолажа олаётганлиги, шунингдек, спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган 3 нафар фуқаро кундузги стационарда даволанаётганлигини, гиёҳвандлик бўйича эса ҳеч қандай муаммолар йўқлигини» айтиб ўтди.*

**Хайрли ишлар билан бир қаторда муаммолардан телефон алоқаси ҳамда автоуловнинг йўқлиги тиббиёт ходимларига танометр ва фонендоскопларнинг етишмаслиги асосий ишларга зарар етказиши шубҳасиз, лекин саховатпеша инсонлар ана шундай камчилик ва муаммоларга ўз ҳиссаларини қўшсалар, халқнинг дуосини олишга эришган бўлар эдилар.**






Назира ҲУСАНОВА,
оила ҳамшираси.

— Авваламбор, аҳоли билан ҳамнафас бўлиб ишлаётганимдан фахрланаман. Ёшликдаги орзуим ҳамшира бўлиш эди. Бугунга келиб, ҳамширалик касбининг нақадар савобга эга эканлигини кўриб, ниятим холислигини тушуниб етдим. Лекин ҳали катта тажрибага эга эмасман. Аммо оила ҳамшираси бўла туриб, аҳоли билан ишлаётганлигим ҳамширалик касбига бўлган иштиёқимни оширган бўлса, ҳар бир оилага кириб боришим эса тиббиётдаги меҳр деган тушунча инсон саломатлигида қанчалик чуқур роль ўйнашини англаб етдим. Менга 246 та хонадон бириктиб қўйилган. Ўзимга юклатилган вазифани бажариш чоғида ҳар бир хонадоннинг оила аъзолари билан турли касалликлар ва бошқа долзарб мавзуларда суҳбатлар уюштирганимда, улардаги ўз саломатликларига бўлган интилишни кўриб, янада завқ билан ишлашга ҳаракат қиламан. Айни кунларда аҳоли ҚВПга мурожаат қилишдан олдин биз берган тавсия ва маслаҳатларни, яъни касалликларнинг олдини олиш борасидаги кўрсатмалар асосида ўз хонадонларида соғликларига нисбатан эътиборли бўлмоқдалар. Шунинг учун бўлса керак, долзарб касалликларга кун сайин чек қўйилмоқда. Демак, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан бирламчи бўғинни шакллантириш зарурати туғилган экан, бу борадаги кўрсатмалар биз ҳамшираларни ўз билимимиз устида ишлашни, яъни аҳолига яқин борган ҳолда фаолият юритишни олдимизга мақсад қилиб қўйди. Мен бунинг исботини ўзим кунда кириб турадиган хонадонларда олиб бораётган фаолиятим жараёнида кўрмоқдаман.



Ҳабиба ОЛИМОВА,
эмлаш ҳамшираси.

— Назаримда, тиббиётда осон йўналишнинг ўзи йўқ. Ана шундай жавобгарлик мен бажараётган фаолиятда яққол кўзга ташланади. ҚВПдаги асосий вазифам гўдак туғилганидан то вояга етгунича юқумли касалликларга қарши профилактик эмлашларни олиб боришдир. Дарвоқе, улар эмлашга етиб келгунча патронаж ҳамширалар томонидан доимий назоратда бўлиб, айтилган муддатда ҚВПнинг эмлаш хонасига келишади. Мен аввало, уларнинг соғликларини назорат қилгандан кейингина эмлаш ишларини бошлайман. Ҳар бир эмлашни ўз даврийлиги ҳамда эмланишнинг турлари кўп бўлиб, уларни ўзига яраша қонун-қоидаси мавжуд. Қизамиқ, АКДС, АДС-М, ОПВ, ЭПИД-паротит, БЦЖ, туберкулин, гепатит «Б» каби юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини олиб бориш осон эмас. Чунки, ҳар бир вакцина маълум бир соат ёки кунга мўлжалланган бўлади. Шу давр мобайнида уларни музлатгичда қопқоғи ёпилган ҳолда сақлаш муҳим. Акс ҳолда вакциналар нотўғри ишлатилса, хавфли вазиятлар юзага келиши табиий. Бунинг учун жуда эътиборли ва тажрибага эга бўлиш муҳим.

***Ҳа, биз Ҳабибахон билан суҳбатда бўлганимизда, эмлаш хонасида ота-оналар учун керакли маслаҳат ва тавсиялар тартиб билан кўргазма асосида қўйилганлигини кўрдик. Ҳар бир саволимизга тўлақонли жавоб олар эканмиз, эмлаш ҳамширасининг тезкорлиги тизимда етишиб чиқаётган кадрлар давр талаби даражасида эканлигини кўрсатади.***



Лаборант Шаҳло Мажидова иш жараёнида.



Ғаллаорол туманидаги «Сарбозор» қишлоқ врачлик пунктининг ташқи кўриниши.

# ЭНГ МУҲИМИ – ЕНГИЛМАС ШИЖОАТ БИЛАН

Хосият ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Ғаллаорол туман Сарбозор қишлоқ врачлик пункти мудираси.

— Қишлоқ врачлик пунктимиз 2001 йилда замон талаблари даражасида янги қурилди. Ҳудудимизда 9.100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолига 4 нафар врач ҳамда 15 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатишади. Бир кунда 55-60 нафар аҳолига хизмат қиламиз. Шунингдек, 17 км узоқликда истиқомат қиладиган аҳоли ҳузурига ҳам бориб келиб, керакли тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатяпмиз. Шундай бўлсада Бахмалсой ва Қоронғул фельдшер-акушерлик пунктида 2 нафар ҳамширамиз фаолият юритади. Кейинги пайтларда аҳоли орасида долзарб бўлган юрак, камқонлик, бўқоқ ҳамда аёлларимиз ўртасидаги экстрагенитал каби касалликлар борасидаги тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтиришимиз керак. Ҳудудимиз катта бўлганлиги сабабли, 4 та мактаб, сув хўжалиги корхонаси ҳамда йўл қурилиш бошқармаси каби ташкилотлар жойлашган. Ушбу муассасалардаги ўқувчи ва ўқитувчиларни ҳамда ишчи ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиб, улар билан тиббиётга оид мавзудаги учрашувлар, давра суҳбатлари уюштириб турамиз. Бундан асосий мақсад, улардаги тиббий саводхонликни ошириш билан бир қаторда, соғликларига бўлган эътиборни янада кучайтиришдан иборатдир.

***Дарҳақиқат, мазкур тиббиёт муассасасининг амалдаги ишларини ниҳоясига етказиб чиқар эканмиз, талабчан, меҳнатсевар, ҳозирда умумий амалиёт шифокори мутахассислиги бўйича фаолият юритаётган Хосиятхон Ҳазратқулова «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича ўқиб келганлигини ва олган лойиҳаси асосида изланишлар олиб бораётганлигини айтди. Унинг бу изланиши дунё бўйича глобал муаммога айланаётган жирканч ОИТС/ОИВ касаллигининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш бўйича мактаблардаги юқори синф ўқувчилари орасида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйишдир.***

***Қабулхонада тартиб билан жойлаштирилган тиббий карталарга кўзимиз тушар экан, ҳар бир папкада оилавий тиббий карталарнинг тартиб билан ўрин олганлиги ишларнинг бир меъёрда бораётганлигидан далолат берарди. Ҳа, излаган имкон топади деганларидек, бир жону бир тан бўлиб ишлаётган жамоа аҳлининг ниятлари улкан. Эндиликда эса улар биргина «Саломатлик-2» лойиҳаси эмас, балки Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан ҳам зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиш арафасида туришибди.***

***Кези келганда таъкидлаш жоизки, мазкур ҚВП шундай катта аҳоли қатламини қамраб олган бўлишига қарамай, уларда на телефон алоқаси, на автоуловнинг йўқлиги кишини ажаблантиради.***

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тараққиёт уюшмаси
ADB Осиё тараққиёт банки
gain Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси
2006 й № 3

**«Саломатлик — 2»**
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»**
**ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**

«Health — 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm». Projects

Проекты «Здоровье — 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

**Шароит ва имкониятлар мавжудлигидан навбат кутишга ҳожат ҳам йўқ...**



# ЭНГ МУҲИМИ — ЕНГИЛМАС ШИЖОАТ БИЛАН

**Бахринисо ХУДОЙБЕРДИЕВА, оила ҳамшираси.**

— Олдинлари кўпроқ тиббиёт муассасасида ишлардик. Бирламчи бўғинга бўлган эътибордан сўнг фаолиятни аҳоли орасида олиб боришимизга тўғри келяпти. Шахсан мен кўплаб оилаларнинг ичида бўлиб, уларнинг турмуш ҳаёти, яшаш тарзи, умуман олганда тиббий аҳволини кенгроқ ўрганиб, лойиҳада кўзланган амалий ишларни бажаришга озми-кўпми ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиляпман. Шу жараёнда оилалардаги қарияларга парвариш муҳимлигини ҳамда улар бир оғиз ширин сўзга муҳтож эканликларини ўз тажрибамда синаб кўрдим. Эндиликда, шифокор ва ҳамширадаги муомала маданияти қанчалик меъёрида бўлса, беморнинг тиббиёт ходимларига бўлган ишончи янада ошиб бораверар экан. ҚВПмиз катта йўл ёқасида жойлашганлиги сабабли турли



ҳолатлар юзага келиб, биринчи ёрдамга эҳтиёж туғилади. Худди шу пайтда жамоамиз билан биринчи ёрдамга шошиламиз. Қўлимиздан келганча, имконият даражасида биринчи тиббий ёрдамни кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Демоқчи бўлганим, биз тезкор замонда яшаяпмиз. Шу боис, тинимсиз ҳаракатлар туфайли халқимиз соғлигини муҳофаза қилишда ҳеч қандай баҳона ахтармасдан бор билим ва тажрибани ишга солишга тайёр туришимиз муҳим деб биламан.

# СЎРОВНОМА

***Исми-шарифингиз:***
Норбуви Очилова.

***Туражойингиз:***
Сарбозор ш/х.

***ҚВП номи:***
«Сарбозор» қишлоқ врачлик пункти.

***ҚВПдаги тиббиёт ходимлари сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?***
Кўнгилдагидек.

***Бундан олти йил олдин тиббий хизмат қандай эди?***
Ҳозиргидек тез ва шошилинч ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган эди. Айни кунда эса тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси биринчи ўринга чиқди.

***Врач билан ҳамширанинг меҳнат фаолиятидаги фарқи қандай?***
Врач ва ҳамшира ўртасидаги фарқ деярли сезилмайди. Лекин шифокор ташҳис қўйишда, ҳамшира эса парвариш қилишда ўз маҳоратини кўрсата олади.

***ҚВПга мурожаат қилганингизда тиббиёт ходимлари томонидан қандай ёрдам кўрсатилди ва уларнинг сизга муносабати:***
Уларнинг муомаласи ҳар бир бемор дардига даво бўлса, кўрсатаётган тиббий ёрдамлари эса танадаги дардли оғриқларга малҳам бўлади.

***ҚВПдаги тиббий асбоб-анжомлар тўғрисида нима дея оласиз?***
Ҳозирча борига шукр. Лекин сифатлилари келтирилса, аҳолининг даволанишга бўлган эҳтиёж ва талаби ортади.

***ҚВП тўғрисида фикр ва мулоҳазаларингиз?***
Бундай тиббиёт муассасаси аҳолига маънавий ва маърифий томондан руҳий мадад ҳиссини олиб келди.

***ҚВП тўғрисидаги танқидий фикрларингиз?***
Шу қадар имкониятлар яратилибдики, қолган камчиликлар ҳам тузатилади, деган умиддаман.



***Ғаллаорол туман марказий шифохонаси ҚВПлар бўйича бош шифокор муовини Жўрабой Қўшбоқов ва «Сарбозор» ҚВП мудираси Хосият Ҳазратқулова келгуси режалар хусусида суҳбатлашишмоқда.***

# СИНОВЛИ ДАҚИҚАЛАР

**Республикамизда умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ва ўқитиш ишларига эҳтиёж ва талабнинг ошаётганлиги кейинги пайтларда ўзининг мақсадли натижаларини кўрсатиб келмоқда. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида тиббиёт институтлари қошида 10 ойлик умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув курсларида таҳсил олган тингловчилар ўз билим ва малакаларини ошириб, куни кеча синовли дақиқаларни муваффақиятли тугатишди.**



**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошидаги умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш ўқув марказининг тингловчиси имтиҳон пайтида.**



**Демак, бугунги синовлардан муваффақиятли ўтган шифокорлар ҳақиқий маънода «Умумий амалиёт шифокори» деган ном ва сертификатга эга бўлдилар. Ўйлаймизки, уларга билдирилган юксак ишонч ва умид келгусида бесамар қолмайди, балки аҳоли саломатлиги йўлидаги залворли ишларга пойдевор ясайди.**



***Фаолиятда амалий кўникма асосий мезонни ташкил этади. Ҳаяжонли дақиқаларда тингловчи назария ва амалиёт бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини мукаммал тарзда кўрсата олди.***

*(Тошкент тиббиёт академияси қошидаги ўқув маркази).*



**Тингловчи учун ҳар бир дақиқа қимматлидир.**

*(Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги ўқув маркази).*

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».
Директор – Расулов Нуғмон Нигматуллаевич.
700007,
г. Ташкент,
ул. Паркентская, 51,
ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.
Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47.
Факс: 68-25-39, E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.

Над спецвыпуском работала: И. СОАТОВА. Фото: А. НУРАТДИНОВА.

# Спрашиваете - отвечаем

***Рассмотрев письмо врача общей практики Янгиабадского СВП Ангарского района Сурхандарьинской области Х. Чориевой по вопросу предоставления ей работы по совместительству, Главное управление экономики и финансирования Минздрава поясняет следующее.***

***На вопросы отвечает начальник Главного управления экономики и финансирования Б. А. Хашимов.***

В соответствии с п.3 статьи 164 «Трудового кодекса Республики Узбекистан» работодатель вправе сделать распоряжение для возврата сумм, излишне выплаченных работнику вследствие счетных ошибок.

В связи с этим, если врачу общей практики Х.Чориевой была излишне выплачена заработная плата, руководитель учреждения должен произвести удержания из ее заработной платы за весь период неправильной тарификации.

В соответствии со статьей 160 «Трудового кодекса Республики Узбекистан» размер оплаты труда работников за совмещение должностей, расширение зон обслуживания, увеличение объема выполняемых работ, выполнение наряду со своей основной работой обязанностей временно отсутствующих работников, а также при совместительстве (выполнение работником помимо своей основной другой оплачиваемой работы на условиях трудового договора в свободное от основной работы время), определяется по соглашению сторон трудового договора за фактически выполняемую работу.

Учитывая вышеизложенное, предоставление работы по совместительству входит в компетенцию руководителя учреждения в зависимости от производственной необходимости.

**• СООБЩЕНИЯ • НОВОСТИ • КОММЕНТАРИИ •**



***Жизнь... Этот - великий и драгоценный подарок, дарованный человечеству. Ценить это чудо - обязанность каждого из нас.***

# ГЛАВНАЯ ЦЕЛЬ - ЗДОРОВЬЕ

По данным статистики, в последнее время среди населения всего мира наблюдается рост числа онкологических заболеваний, среди них и лейкоза. На сегодняшний день, как и по всему миру, так и в нашей республике, ведется активная работа по своевременной диагностике и лечению данных заболеваний.

Конечно, онкологическое заболевание - это трагедия, но - еще не приговор. Ведь качественное лечение в большинстве случаев способствует полному излечению больного. Сегодня во всем мире, в целях оказания квалифицированной медицинской помощи, разрабатываются и внедряются в практику новые методы лечения, производятся эффективные медицинские препараты.

12 июля 2006 года в Научно-исследовательском институте Гематологии и переливания крови состоялось мероприятие с участием представителей Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, персонала института и больных, получающих здесь медицинское лечение.

Как было упомянуто, с целью оказания качественной медицинской помощи населению, министерства, организации и ведомства страны обращают большое внимание на обеспечение современными и эффективными медицинскими препаратами людей, нуждающихся в них.

На проведенном мероприятии мы еще раз убедились в правдивости этих слов.

Вот уже несколько лет, благодаря заботе представителей Кабинета Министров, Министерства здравоохранения, Министерства Юстиции республики, НИИ Гематологии и переливания крови, больным с заболеваниями крови (лейкоз) предоставляется возможность получить лечение с применением эффективных медицинских препаратов, отвечающих мировым стандартам. На примере успешного применения препарата «Гливек» (фирмы «Novartis pharma», Швейцария) по программе GIPAP, мы можем убедиться, что сотрудничество во имя здоровья приносит свои плоды.



В докладах директора центра лекарственной политики Минздрава М. Ибрагимовой и заместителя главного врача клиники НИИ Гематологии и переливания крови Х. Казакбаевой говорилось обо всей актуальности проводимого мероприятия, о делах, проводимых в этом направлении. Каждый из нас обязан протянуть руку помощи и стать опорой тому, кто в ней нуждается.

В ответ на столь теплые слова, от имени производителей препарата «Гливек», представитель фирмы «Novartis pharma» в Узбекистане Н. Азимова отметила, что тесные контакты между специалистами наших стран будут направлены на дальнейшее сохранение здоровья людей.

Стоит заметить, что главными инициаторами проведенной встречи были бывшие больные, которые, благодаря заботе нашего государства, получили возможность излечиться от страшного недуга. Сквозь слезы радости они выражали признательность людям, подарившим им бесценное чудо, без которого невозможно жить, - здоровье.

В ходе мероприятия участники выдвинули инициативу по образованию общественной организации, которая будет заниматься сплочением больных с данным диагнозом и оказывать всяческую помощь для лечения, как с физической, так и с психологической стороны.

***В завершении нашей статьи от всей редакции газеты «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» хочется выразить благодарность всем тем, кто не смыкает глаз днем и ночью для того, чтобы даровать здоровье человечеству. Пусть эти милосердные руки, трудящиеся во имя добра, никогда не теряют своей жизненной силы.***

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**
**Фото: Асена НУРАТДИНОВА.**

***Недуг, сшибающий с ног***

# ОСТОРОЖНО – ВАРИКОЗ!

Есть несколько современных и эффективных методов лечения варикоза. Какой из них выбрать, может решить только сосудистый хирург после проведения специального исследования.

Варикозное расширение вен - это болезнь, начинающаяся с появляющихся в конце дня отеков и ощущения тяжести в ногах, боли и судорог в икрах, с одной-двух сосудистых звездочек на коже. Через некоторое время сетка мелких, еле заметных голубоватых капилляров разрастается. Дальше - больше: тоненькие сосуды со временем расширяются, превращаясь в толстые, узловатые червеобразные вены. Кожа на ногах темнеет, возникают коричневые пятна, а затем язвы. Во времена Гиппократа этот недуг называли «болезнью, сшибающей с ног». И недаром, ведь поступающий сквозь кожу венозный рисунок - не только эстетический дефект, но и предвестник тяжелого заболевания - тромбофлебита, при котором нарушается питание тканей и появляются незаживающие трофические язвы. Прогрессирование заболевания приводит к инвалидности. А в случае тромбоэмболии - отрыва и смещения тромба, закупоривающего вены, в легочную артерию - больной погибает в считанные мгновения.

**ОБУНА–2006**

**Азиз шифокорлар, ҳамширалар, зиёлилар ва барча муштарийлар эътиборига!**

**Тиббиётдаги янгиликлар билан қадам-бақадам одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2006 йилнинг иккинчи ярми учун обуна мавсуми давом этмоқда. Буни унутманг!**

**Нашр индексимиз: 128.**

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

**Gazeta muassisi:**
**O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi**

**Bosh muharrir:**
**Nodir SHARAPOV.**

**Ijrochi muharrir:**
**Ibodat SOATOVA.**

Tahrir hay'ati raisi:
**Feruz Nazirov**
Tahrir hay'ati a'zolari:
**Bobur Alimov**
**Gavhar Islomova**
**Omonturdi Mirtazayev**
**Ozoda Muhitdinova**
**Mirjalol Miraliyev**
(Bosh muharrir o'rinbosari),
**Baxtiyor Niyazmatov**
**Abdurahmon Nosirov**
**Nurmat Otabekov**
**Xolmurod Rabbanayev**
**Rixsi Solixo`jaeva**
**Namoz Tolipov**
**Maryash Turumbetova**
**Abdulla Ubaydullayev**
**Farhod Fuzaylov**

**Manzilimiz:**
**700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat.**
**Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22.**
**Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211.**
**Adadi 6850 nusxa.**
**O'zbek va rus tillarida chop etiladi.**

**Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart.**

**Buyurtma Г-953.**

**Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.**

**E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushun reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.**

**Sahifalovchi:**
**Baxtiyor QO'SHOQOV.**

**Bosmaxonaga topshirilish vaqti 20.00.**
**Topshirildi 20.00.**

**2 3 4 5 6**